

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАЛАРИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ

Эркаева Гулбахор Панжиевна

Қарши ДУ иқтисодиёт кафедраси доценти

Рузиколов Самариддин Зиёдуллаевич

Қарши ДУ магистранти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Инсон капитали, инсон капиталига инвестициялар, таълим, соглиқни саклаш, рентабеллик.

Аннотация

Ушбу маколада инсон капиталини шакллантириш ва уни ривожланиш даражаларига инсон капиталига инвестицияларни амалга ошириш таъсири ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Кириш. Жаҳон иқтисодиёти ривожланиш тенденциясининг кўрсатишича, тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида билим, маҳорат, малака, таълимни давом эттиришга бўлган қобилият ва эҳтиёж алоҳида аҳамият касб этмоқда. Халқаро рейтинг агентликларининг маълумотига кўра, 2035 йилгача бўлган даврда замонавий глобал меҳнат бозори автоматлаштириш ва мақбуллаштиришдан иборат бўлиб, ишчи кучининг бўшаб қолишига олиб келади. 2025 йилга келиб роботлаштиришни кучайиши билан боғлик иш жойларининг қискариши 10-30 фойизни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш иқтисодий тараққиётнинг асосий омили сифатида юзага чикиши шарт эканлигини кўрсатмокда. Иктиносидиёти ривожланган мамлакатларда миллий бойлиқдаги инсон капитали улуши 80 фойизгачани ташкил этади. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда[1]. Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда инсон капиталини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириш борасидаги фаолияти таҳлилига доир тадқиқотларни 4 гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гурух - қадим замонлардан бери қадимги Осиё ва қадимги Юнонистон мактаблари намоёндалари қўшимча маҳсулотнинг пайдо бўлиши сабаблари ва уни қандай қилиб кўпайтириш мумкинлигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар. Мисол учун Вавилон подшоҳи Хаммурапи (мил. ав. 1792-1750 й) нинг қонунлар кодексида ёлланма меҳнат муносабатлари, ёлланма ишчига ҳак тўлаш ва унинг миқдори, ишлаб чиқарувчи шахсларни қонунан муҳофаза қилиш каби масалаларга катта эътибор берган.

Иккинчи гурух - инсон капиталини ижтимоий – иқтисодий асосларини шакллантириш жараёнини тадқиқ этишда муҳим илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммоларнинг назарий – амалий жиҳатлари хорижлик Капелюшников Р.И. (Экономические очерки:

методология, институты, человеческий капитал М Изд. дом Высшей школы экономики 2016. 576 с.) иқтисодчи – олимлар А.Смит, Т.Шульц, Г.Беккер, Э.Денисон, Р.Солоу, С.Фишер томонидан илк бор тадқиқ этилган[4] .

Учинчи гурӯҳ - инсон капитали илк мартоба 1960 - йилларда Чикаго университети профессорлари Т.Шульц ва Г.Беккер томонидан фанга олиб кирилган. Беккер буйича инсон капитали ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, малака ва мотивациялар захираси эканлигини алоҳида изоҳлаб ўтган.. Тўртинчи гурӯҳ - МДҲ ва мамлакатимиз олимларидан С.Г.Струмилин, А.И.Добрынин, С.А.Дятлов, Р.И.Капелюшников, Л.Г.Симкина, А.В.Корицкий, Ю.А.Корчагин, Қ.Абдурахманов, Г.Қаландарова сингари олимлар томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси.Мамлакатимиз ва ривожланган мамлакатлар олимларининг илмий назариялари ва қарашлари, Жаҳон банкининг услугий материаллари, Ўзбекистон Республикасининг соҳасига оид хуқукий-меърий ва бошқа хужжатларда акс этган ёндашувлар тадқиқот услубиятини ташкил этади.

Мазкур тадқиқот ишида социологик тадқиқотлар, таққослаш, монографик ўрганиш, статистик гурӯхлаш, иқтисодий таҳлил, график ва жадвал усуслари қўлланилган.

Таҳлиллар ва натижалар. Инсон капиталини шаклланиш жараёни муҳим элементларни ўз ичига олади улар қаторига инвестицияни киритиш зарур. Инвестицияларсиз самарали инсон капиталини шакллантириш мумкин эмас. Мехнат унумдорлигини оширишга қаратилган ҳар қандай чора инсон капиталига инвестициялар дейилади. Инсон капиталининг тўпланиши маълум харажатлардан, шахснинг (оила, компания, давлат) инвестицияларидан иборат: саломатликни сақлаш; умумий ёки маҳсус таълим олиш; иш излаш; ишлаб чиқаришда касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш; шахсга боғлиқ ва мустақил сабабларга кўра миграция; нархлар ва даромадлар тўғрисида мақбул маълумотларни қидириш, болаларнинг туғилиши ва тарбияси.

Иқтисодчилар инсон капиталига инвестицияларнинг уч турини ажратиб кўрсатишади (2.4-чизма):

таълимга, шу жумладан умумий ва маҳсус, расмий ва норасмий, ишлаб чиқаришда ўқитишга харажатлар

касалликларнинг олдини олиш, тиббий ёрдам, парҳез овқатланиш, уй-жой шароитларини яхшилаш харажатларидан иборат соғлиқни сақлаш харажатлари

харакатлар учуне харажатлар, бу орқали ишчилар унумдорлиги нисбатан паст бўлган жойлардан кўчиб ўтадилар

Инсон капиталига инвестициялар уларни бошқа инвестициялар турларидан ажратиб турадиган бир қатор хусусиятларга эга.

1. Инсон капиталига қўйилган сармоянинг рентабеллиги бевосита унинг эгасининг умрига (иш даврининг узунлигига) боғлиқ. Инсонга қанчалик эрта инвестициялар киритилса, улар тезроқ қайтиб кела бошлайди.

2. Инсон капитали нафақат жисмоний ва мънавий ёмонлашувга дучор бўлади, балки тўплаш ва кўпайиш қобилиятига ҳам эга.
3. Инсон капиталининг тўпланиши билан унинг рентабеллиги фаол меҳнат фаолиятининг юқори чегараси (фаол меҳнат ёши) билан чегараланган маълум чегарага кўтарилади ва кейин кескин камаяди.
4. Одамларга қўйилган сармояларнинг хаммасини ҳам инсон капиталига инвестициялар деб бўлмайди. Масалан, жиноий фаолият билан боғлиқ харажатлар инсон капиталига инвестициялар эмас, чунки улар ижтимоий жиҳатдан амалий бўлмаган ва жамият учун зарарли.
5. Шахсга инвестициялар характери ва турлари тарихий, миллий, маданий хусусиятлар ва анъаналар билан белгиланади.
6. Капиталнинг бошқа турли шаклларига қўйилган инвестициялар билан солиштиргандা, инсон капиталига қўйилган инвестициялар шахс нуқтаи назаридан ҳам, бутун жамият нуқтаи назаридан ҳам энг фойдали ҳисобланади.

1-жадвал. Қашқадарё вилоятидаги жами таълим муассасалари сони (01.01.2021 маълумотига кўра)¹

№	Худуд номи	ОУЮ сони	Ўрта махсус таълими сони	Мактаблар сони	шу жумладан, филиаллар	Мактабгача таълим муассасалари сони
	Вилоят бўйича	6	61	1157	189	1558
1	Ғузор		4	78	12	57
2	Деҳқонобод		4	96	40	74
3	Қамаши		6	90	25	68
4	Қарши		4	69	5	117
5	Косон		5	102	0	187
6	Китоб		3	94	18	94
7	Миришкор		2	39	1	82
8	Муборак		2	33	0	49
9	Нишон		3	40	12	97
10	Касби		4	61	0	127
11	Чироқчи		5	192	39	118
12	Шаҳрисабз		5	85	19	105
13	Яккабоғ		3	102	16	144
14	Қарши ш	4	6	51	0	140
15	Шаҳрисабз ш	2	5	25	2	99

Инсон капиталини шакллантириш жараённида таълим ташкилотларининг ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Вилоят миқёсида таълим даргоҳларининг асосий қисми 1-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятлардаги энг кўп сонли мактаблар Чироқчи худудида жойлашган(16.6 %). Шу билан бирга энг кам сонли мактаблар эса Муборак туманида жойлашган (2,86 %). Бу катта фарқ асосан худуд ўртасидаги тафовут сабабли ҳам намоён бўлмоқда. Инсон капиталини шакллантиришда энг муҳим бўғин мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади. Вилоят миқёсида мактабгача таълим ташкилотларининг жойлашуви худудда

¹ Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

истиқомат қиласынан инсонлар сонига нисбатан кам жойлашғанлиги(умумий қамров 42%) ва ушбу соҳани янада ривожлантириш зарур эканлигини намоён этади. Бу эса кадрларнинг ривожланиш даражаси умум аҳоли сонини түлиқ қамраб олиш даражаси түлиқ эмаслигидан далолат беради.

Бугунги кунда барча мамлакатларда инсон капиталига инвестицияларнинг энг мухим таркибий қисмларидан бири бу иш жойида ўқитиши харажатлари хисобланади. Ҳар қандай ўкув лойиҳасида билимларнинг 80% гача ўз-ўзини ўрганишга түғри келади. Бу, айниқса, адабиётларни индивидуал ўрганиш, мустақил ўкув дастурларини қўллаш, фаолиятдан ўрганиш, тажриба ва билимларни ўрганиш орқали малакасини доимий равишда янгилаш учун мўлжалланган мутахассислар - тадқиқотчилар, ўқитувчилар, мухандислар, компьютер мутахассислари ва бошқалар касбларига тааллуклидир[5].

Таълимга инвестициялар одатда мазмунига кўра расмий ва норасмийга бўлинади. Расмий инвестициялар - бу ўтра, маҳсус ва олий маълумот олиш, шунингдек, бошқа таълим олиш, ишлаб чиқаришда касбий таълим, турли курслар, магистратура, аспирантура, докторантура ва бошқалар. ривожлантирувчи адабиётларни ўқиши, санъатнинг турли турларини такомиллаштириш, профессионал спорт ва бошқаларни ўз ичига олади.

Таълим билан бир қаторда, энг мухим сармоя соғлиқни сақлашга қаратилган. Инсон капиталини тўплаш учун саломатликнинг иқтисодий қиймати ва аҳамияти сўзсизdir. Мамлакатда ўртача умр кўришнинг паст даражаси автоматик равишда соғлиғини сақлашга инвестицияларни устувор харажатлар қаторига киритади.

Хуноса. Инсон капиталини шаклланиш жараёни мухим элементларни ўз ичига олади улар қаторига инвестицияни киритиш зарур. Инвестицияларсиз самарали инсон капиталини шакллантириш мумкин эмас. Мехнат унумдорлигини оширишга қаратилган ҳар қандай чора инсон капиталига инвестициялар дейилади. Хорижий мамлакатларда инсон капиталини ривожлантириш тажрибаларини келиб чиқиб, Ўзбекистон учун қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир: олий таълим тизимининг селектив жиҳатларини мамлакатимиз таълим тизими учун ҳам кенгайтирган ва такомиллаштирган ҳолда татбиқ этиш зарур; тажрибадан келиб чиқиб, ижтимоий гуманитар мутахассисликлардан кўра табиий техник мутахассисликларни кўпайтириш мақсадга мувофиқдир; меҳнат бозорида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш мақсадида нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантириш, чет эл амалиётида интеллектуал капитални ривожлантириш олий мактабларда давлат томонидан илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб қувватлаш ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Белгиланган мақсад доирасида инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган вазифалар қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин, деб ўйлаймиз:

- таълим ва илмий фаолиятнинг сифатини ошириш ва муддат жиҳатидан такомиллаштиришда давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги методологиясини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида кўрсатилаётган хизматларнинг натижадорлиги билан боғлиқ равишда молиявий маблағларни ажратиш механизмини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 –йил 21-сентябридаги “2019 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5544-сонли фармони ҳттп://лех.уз/астс/-3913188.

2. Умурзаков Б.Х. Основные критерии оценки развития человеческого потенциала и их характеристики // Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы. Монография под ред. Акад. Р.А.Убайдуллаевой. – Т., 2012. – С. 183-192
3. Abduraxmonov K.X. Inson taraqqiyoti Toshkent - 2013 y. 542 b.
4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –Москва: Эксмо, 2007 г
5. Nabiev, D. K., & Panjievna, E. G. (2021). ACTUAL ISSUES ON AUTONOMY MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.1 Economical sciences).
6. Набиев, Д., & Эркаева, Г. (2021). ОЛИЙ ТАЪЛИМДА БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНинг ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и образование, (6), 193-199